



## O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2022 yil « 26 » fevralь

№ПК–143

### Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Мамлакатимизда тери хомашёсини чуқур қайта ишлаш асосида ундан юқори қўшилган қийматли тайёр чарм-пойабзал маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилишни жадаллаштириш мақсадида:

**1.** 2026 йилга қадар чарм-пойабзал, жун ва мўйначилик маҳсулотлари экспортини **2,8 бараварга кўпайтириш** бўйича чораларни амалга ошириш Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда “Ўзчармсаноат” уюшмасининг устувор вазифаси этиб белгилансин.

**2.** Чарм-пойабзал ва мўйначилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилишнинг 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган **мақсадли параметрлари** 1 ва 1.1–1.14-иловаларга мувофиқ;

Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларида хомашё ресурсларидан самарали фойдаланиш, сифат кўрсаткичларини ошириш, кичик саноат зоналарини ташкил қилиш, ташқи бозорлардаги тарғиботни кучайтириш ва кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича **чора-тадбирлар режаси** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**3.** Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона, Хоразм ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари ҳамда “Ўзчармсаноат” уюшмасининг туман (шаҳар)ларда **терини қайта ишлашга ихтисослашган кичик саноат зоналарини** ҳамда тайёр чарм-пойабзал ва мўйна маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик саноат зоналарини (кейинги ўринларда

– кичик саноат зоналари) **ташкил қилиш** тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Бунда белгилаб қўйилсинки:

а) кичик саноат зоналарини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш учун 2022-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида мазкур мақсадлар учун назарда тутилган маблағлар ҳисобидан **90 млрд сўм** маблағ ажратилади;

б) лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан **ташқи инфратузилмани қуриш-таъмирлаш учун маблағлар етишмаган лойиҳалар бўйича уларни қуриш-таъмирлаш билан боғлиқ қўшимча харажатлар**, хусусан:

**электр энергия ва газ тармоқлари бўйича** – “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ ва унинг ҳудудий филиаллари ҳамда “Ҳудудгазтаъминот” АЖ ўз маблағлари;

**ичимлик ва оқова сув тармоқлари ҳамда автомобиль йўллари бўйича** – Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларининг қарорларига асосан тегишлилик бўйича Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар **маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан қопланади**.

Вазирлар Маҳкамаси **бир ой муддатда** мазкур кичик саноат зоналарини ташкил этиш бўйича тегишли Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

**4. Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида тижорат банкларида умумий қиймати 60 млн АҚШ доллари** миқдоридаги кредит линияси очилсин.

Бунда:

мазкур кредит линияси тижорат банкларидан келиб тушган талабномаларга асосан Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 2022 йил учун тасдиқланган харажатлари доирасида молиялаштирилади;

кредит линияси устав фондида (капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган тижорат банкларига уларнинг талабномаларига асосан 3 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган ҳолда 7 йил муддатгача йиллик 3 фоиз ставкада очилади;

тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига замонавий янги ускуна ва технологияларни харид қилиш учун 3 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган ҳолда 7 йил муддатгача йиллик 5 фоиз ставкада кредитлар ажратилади.

**5.** Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (С. Умурзаков) **бир ой муддатда** “Ўзчармсаноат” уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг масъулларини бириктирган ҳолда, 2022-2026 йилларда чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари дастурларини тасдиқласин.

**6.** Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва “Ўзчармсаноат” уюшмасининг қуйидагиларни назарда тутувчи таклифлари маъқуллансин:

а) Чарм-пойабзал, мўйначилик соҳаси корхоналари ва чорва молларини сўйиш ва терини қайта ишловчи ташкилотлар учун **кўзда тутилган солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзларни 2023 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар узайтириш;**

б) **2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январгача** қуйидагилар учун ижтимоий солиқ ставкасини 1 фоиз миқдорда ундириш:

ишлаб чиқарувчининг ялпи тушумида болалар, аёллар ва спорт пойабзаллари, сунъий (эко) чарм, фурнитура, пойабзал қолиплари ва тагликлари ишлаб чиқаришдан тушган тушумнинг улуши ҳисобот даври якуни бўйича камида 60 фоизни ташкил қилган ишлаб чиқарувчилар;

ялпи тушумининг умумий ҳажмида пойабзаллар, чарм-атторлик маҳсулотлари ва мўйнадан тайёрланган буюмлар экспортдан тушган тушумнинг ҳажми 80 фоизни ташкил қилган ишлаб чиқарувчилар;

в) чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаси корхоналари томонидан хориждан жалб қилинадиган **дизайнер, технолог ва маркетинг мутахассисларининг ойлик иш ҳақи билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизини**, бироқ Тошкент шаҳрида жойлашган корхоналар учун 1 минг АҚШ доллари эквивалентидан, республиканинг бошқа ҳудудларидагилар учун эса 2 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаган миқдордаги қисмини “Ўзчармсаноат” уюшмасининг Чарм-пойабзал соҳасини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш.

Вазирлар Маҳкамаси **икки ҳафта муддатда** Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мазкур банднинг “а” ва “б” кичик бандларидан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

**7.** Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги “Ўзчармсанот” уюшмаси билан биргаликда чарм-пойабзал тармоғи маҳсулотларининг ташқи бозорлардаги тарғиботини кучайтириш мақсадида, тармоқдаги салоҳиятли тадбиркорларни жалб қилган ҳолда:

хорижий давлатларда чарм-пойабзал, чарм-атторлик, жун ва мўйначилик маҳсулотларини сақлаш ва сотишга мўлжалланган йирик улгуржи савдо омборлари ва савдо уйлари ташкил қилиш;

чарм-пойабзал тармоғи маҳсулотлари билан халқаро кўргазмаларда қатнашиш орқали маҳаллий маҳсулотларни хорижда кенг тарғиб қилиш;

ҳар йили икки мартаба (баҳор ва куз мавсумида) “UzCharmExpo” Халқаро чарм, пойабзал ва мўйна кўргазма-ярмаркасини ташкил этиш;

Чарм-пойабзал соҳасини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда, республиканинг мазкур соҳалардаги имкониятлари ва салоҳиятини кенг ёритиш ишларини олиб бориш;

аутсорсинг ва франчайзинг асосида хорижий ҳамкорларни жалб қилишни кенгайтириш чораларини кўрсин.

**8.** Белгилансинки, терини йиғиш, тўлиқ ҳисобини юритиш ва тўлиқ қайта ишлашга йўналтиришни рағбатлантириш мақсадида:

жисмоний шахсларнинг тери хомашёсини йиғиш ва тайёрлаш фаолияти ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият ҳисобланади;

ҳар бир туман кесимида аҳоли зич яшайдиган маҳаллаларда чорва молларини сўйиш ва тери хомашёсини йиғиб олиш бўйича кичик мобил хизматлар йўлга қўйилади.

**9.** Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва “Ўзчармсанот” уюшмаси билан биргаликда **бир ой муддатда:**

ҳар бир туман кесимида аҳоли зич яшайдиган маҳаллаларда чорва молларини сўйиш ва тери хомашёсини йиғиб олиш бўйича кичик мобил хизматларни йўлга қўйиш бўйича “манзилли лойиҳалар дастури”ни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин;

ветеринария-санитария фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга жавоб бермаган ҳолда фаолият кўрсатаётган кушхоналар ва чорва молларини сўйиш майдончаларини хатловдан ўтказсин;

хатлов натижалари асосида камчиликларни бартараф этиш бўйича тақдимномалар киритсин, ноқонуний фаолият юритаётган кушхоналар ва қассоблар фаолиятини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меъёрларга мослаш бўйича тегишли чораларни кўрсин;

ветеринария-санитария фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга жавоб бермаган ҳолда фаолият кўрсатаётган кушхоналар ва қассобларга нисбатан жавобгарлик чораларини кучайтириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига асосланган таклифлар киритсин.

**10.** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари “Ўзчармсаноат” уюшмаси билан биргаликда Фарғона вилояти Марғилон шаҳри “Орол бўйи” маҳалласи тажрибаси асосида ўз ҳудудидаги косибчилик ривожланган **камида бештадан маҳаллани танлаб олган** ҳолда косиблар фаолиятини кенгайтириш бўйича манзилли лойиҳалар дастурларини ишлаб чиқиб, уларнинг амалга оширилишини таъминласин.

Бунда, **косиблар фаолиятини кенгайтириш бўйича лойиҳаларга имтиёзли кредитлар** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 декабрдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–55-сон қарорига мувофиқ, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари ҳамда “Ҳунарманд” уюшмаси аъзоларига нисбатан кўзда тутилган шартларда ажратилади.

**11.** “Ўзчармсаноат” уюшмаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда чарм-пойабзал саноати корхоналарининг хорижий ва маҳаллий мутахассислари билан биргаликда Фарғона вилоятидаги Фарғона транспорт ва сервис техникумида пойабзал ва чарм буюмларини лойиҳалаш ва моделлаштириш, ишлаб чиқариш технологияси ва жиҳозлари йўналишида ўқув ва амалиёт курслари ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги “Ўзчармсаноат” уюшмаси билан биргаликда Фарғона вилояти тажрибаси асосида кичик саноат зоналари ташкил этилаётган ҳудудлардаги фаолият юритаётган касб-ҳунар коллежлари ва техникумларда чарм, мўйна хомашёси ва жун тайёрлаш, жун, қоракўл ва сунъий чармдан буюмлар, чарм-атторлик маҳсулотлари, пойабзал ишлаб чиқариш йўналишларида ўқув ва амалиёт курслари ташкил этилишини йўлга қўйсин.

**12.** Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, “Ўзчармсаноат” уюшмаси 2022 йилдан бошлаб Туркиянинг Эгей, Буюк Британиянинг Нортгемптон, Россия Федерациясининг А.Н.Косыгин номидаги Россия давлат санъат, дизайн ва технология университети ва Санкт-Петербург давлат саноат технологиялари ва дизайн университети, Беларусь Республикасининг Витебск давлат технология университетида чарм-пойабзал соҳаси учун мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича таълим грантларини жалб қилиш ва таълим дастурларини амалга ошириш чораларини кўрсин.

**13.** Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги “Ўзчармсаноат” уюшмаси билан биргаликда **бир ой муддатда** чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳалари бўйича ривожланган давлатларда тан олинган халқаро стандартлар ва сертификатлар рўйхатини шакллантирсин.

**14.** Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда унда белгиланган вазифаларнинг ижросини ёритиб бориш чораларини кўрсин.

**15.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

**16.** Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**



**Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2022 йил 26 февралдаги ПҚ–143-сон қарорига  
1-илова

**Чарм-пойабзал ва мўйначилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилишнинг  
2022–2026 йилларга мўлжалланган йиғма  
МАҚСАДЛИ ПАРАМЕТРЛАРИ**

Т/р	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	2021 йил (амалда)	Прогноз					2026 йилга ўсиш
				2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил	2026 йил	
I.	Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	млрд сўм	4 415,0	5 530,8	7 696,9	11 519,9	14 200,0	18 600,0	4,2 марта
1.	Пойабзал	млн жуфт	115,0	205,3	246,4	306,2	388,8	470,3	4,1 марта
	<i>шу жумладан:</i>								
	аёллар пойабзали	млн жуфт	26,5	32,5	46,6	66,3	105,7	135,7	5,1 марта
	болалар пойабзали	млн жуфт	9,2	16,3	24,7	40,1	67,7	101,0	11 марта
2.	Чарм кийим-кечак	минг дона	26,8	35,3	42,5	50,2	60,5	72,6	2,7 марта
3.	Чарм-атторлик маҳсулотлари	млрд сўм	102,0	120,3	153,7	214,5	293,2	420,3	4,1 марта
4.	Чарм маҳсулотлари	млн кв.дм	1 617,5	2 179,4	2 470,9	2 772,0	3 148,6	3 463,5	2,1 марта
II.	Чарм-пойабзал, мўйначилик ва жун маҳсулотлари экспорти	млн доллар	420,6	450,0	540,0	709,0	1 007,0	1 200,0	2,8 марта

*Изоҳ: Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан “Ўзчармсаноат” уюшмасининг таклифлари асосида мақсадли параметрларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2022 йил 26 февралдаги ПҚ–143-сон қарорига  
1.1-илова

**Қорақалпоғистон Республикасида чарм-пойабзал ва мўйначилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш  
ва экспорт қилишнинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган  
МАҚСАДЛИ ПАРАМЕТРЛАРИ**

Т/р	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	2021 йил (амалда)	Прогноз					2026 йилга ўсиш
				2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил	2026 йил	
I.	Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	млрд сўм	242,0	303,0	421,8	630,9	777,3	1017,5	4,2 марта
1.	Пойабзал	млн жуфт	0,5	1,0	1,7	2,4	3,0	4,7	9,4 марта
	<i>шу жумладан :</i>								
	аёллар пойабзали	млн жуфт				0,5	0,6	0,7	
	болалар пойабзали	млн жуфт				0,2	0,3	0,4	
2.	Чарм кийим-кечак	минг дона							
3.	Чарм-атторлик маҳсулотлари	млрд сўм							
4.	Чарм маҳсулотлари	млн кв.дм	23,2	31,3	35,4	39,7	45,1	49,6	2,1 марта
II.	Чарм-пойабзал, мўйначилик ва жун маҳсулотлари экспорти	млн доллар	23,0	24,0	28,8	34,0	43,0	55,0	2,3 марта

*Изоҳ: Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан “Ўзчармсаноат” уюшмасининг таклифлари асосида мақсадли параметрларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2022 йил 26 февралдаги ПҚ–143-сон қарорига  
1.2-илова

**Андижон вилоятида чарм-пойабзал ва мўйначилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш  
ва экспорт қилишнинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган  
МАҚСАДЛИ ПАРАМЕТРЛАРИ**

Т/р	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	2021 йил (амалда)	Прогноз					2026 йилга ўсиш
				2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил	2026 йил	
I.	Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	млрд сўм	405,0	507,1	705,8	1055,9	1300,9	1702,9	4,2 марта
1.	Пойабзал	млн жуфт	19,1	30,3	34,5	42,6	65,8	74,2	3,8 марта
	<i>шу жумладан :</i>								
	аёллар пойабзали	млн жуфт	3,2	4,8	6,5	8,7	12,8	15,1	4,7 марта
	болалар пойабзали	млн жуфт	1,7	2,9	5,2	7,2	10,6	15,5	9,1 марта
2.	Чарм кийим-кечак	минг дона	2,2	2,9	3,5	4,1	5,0	6,0	2,7 марта
3.	Чарм-атторлик маҳсулотлари	млрд сўм	23,6	27,8	35,5	49,6	67,7	97,0	4,1 марта
4.	Чарм маҳсулотлари	млн кв.дм	6,7	9,0	10,2	11,5	13,0	14,3	2,1 марта
II.	Чарм-пойабзал, мўйначилик ва жун маҳсулотлари экспорти	млн доллар	39,0	41,0	49,2	63,6	94,7	126,0	3,2 марта

*Изоҳ: Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан “Ўзчармсаноат” уюшмасининг таклифлари асосида мақсадли параметрларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2022 йил 26 февралдаги ПҚ–143-сон қарорига  
1.3-илова

**Бухоро вилоятида чарм-пойабзал ва мўйначилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш  
ва экспорт қилишнинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган  
МАҚСАДЛИ ПАРАМЕТРЛАРИ**

Т/р	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	2021 йил (амалда)	Прогноз					2026 йилга ўсиш
				2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил	2026 йил	
I.	Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	млрд сўм	125,0	156,5	217,8	325,9	401,5	525,6	4,2 марта
1.	Пойабзал	млн жуфт	0,8	1,5	2,2	2,8	4,0	6,6	8,2 марта
	<i>шу жумладан :</i>								
	аёллар пойабзали	млн жуфт	0,1	0,1	0,2	0,2	0,4	0,5	4,7 марта
	болалар пойабзали	млн жуфт				0,1	0,2	0,2	
2.	Чарм кийим-кечак	минг дона	2,1	2,8	3,3	3,9	4,7	5,7	2,7 марта
3.	Чарм-атторлик маҳсулотлари	млрд сўм				0,5	0,7	1,0	
4.	Чарм маҳсулотлари	млн кв.дм	6,0	8,1	9,2	10,3	11,7	12,8	2,1 марта
II.	Чарм-пойабзал, мўйначилик ва жун маҳсулотлари экспорти	млн доллар	12,0	13,0	15,6	20,5	31,5	43,0	3,6 марта

*Изоҳ: Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан “Ўзчармсаноат” уюшмасининг таклифлари асосида мақсадли параметрларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2022 йил 26 февралдаги ПҚ–143-сон қарорига  
1.4-илова

**Жиззах вилоятида чарм-пойабзал ва мўйначилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш  
ва экспорт қилишнинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган  
МАҚСАДЛИ ПАРАМЕТРЛАРИ**

Т/р	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	2021 йил (амалда)	Прогноз					2026 йилга ўсиш
				2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил	2026 йил	
I.	Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	млрд сўм	115,0	144,0	200,4	299,8	369,4	483,5	4,2 марта
1.	Пойабзал	млн жуфт	0,2	0,5	0,8	1,2	2,0	3,8	19 марта
	<i>шу жумладан :</i>								
	аёллар пойабзали	млн жуфт					0,3	0,4	
	болалар пойабзали	млн жуфт				0,3	0,5	0,7	
2.	Чарм кийим-кечак	минг дона							
3.	Чарм-атторлик маҳсулотлари	млрд сўм				0,7	1,0	1,4	
4.	Чарм маҳсулотлари	млн кв.дм	202,3	272,5	308,7	346,1	393,2	432,5	2,1 марта
II.	Чарм-пойабзал, мўйначилик ва жун маҳсулотлари экспорти	млн доллар	10,0	12,0	14,4	18,9	26,8	38,0	3,8 марта

*Изоҳ: Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан “Ўзчармсаноат” уюшмасининг таклифлари асосида мақсадли параметрларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2022 йил 26 февралдаги ПҚ–143-сон қарорига  
1.5-илова

**Қашқадарё вилоятида чарм-пойабзал ва мўйначилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш  
ва экспорт қилишнинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган  
МАҚСАДЛИ ПАРАМЕТРЛАРИ**

Т/р	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	2021 йил (амалда)	Прогноз					2026 йилга ўсиш
				2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил	2026 йил	
I.	Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	млрд сўм	155,0	194,1	270,1	404,1	497,9	651,7	4,2 марта
1.	Пойабзал	млн жуфт	0,9	1,8	2,5	3,6	5,2	7,0	7,7 марта
	<i>шу жумладан :</i>								
	аёллар пойабзали	млн жуфт				0,2	0,3	0,4	
	болалар пойабзали	млн жуфт				0,2	0,3	0,5	
2.	Чарм кийим-кечак	минг дона							
3.	Чарм-атторлик маҳсулотлари	млрд сўм				0,5	0,7	1,0	
4.	Чарм маҳсулотлари	млн кв.дм	81,0	109,1	123,6	138,6	157,4	173,2	2,1 марта
II.	Чарм-пойабзал, мўйначилик ва жун маҳсулотлари экспорти	млн доллар	14,0	16,0	19,2	25,2	45,0	60,0	4,3 марта

*Изоҳ: Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан “Ўзчармсаноат” уюшмасининг таклифлари асосида мақсадли параметрларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2022 йил 26 февралдаги ПҚ–143-сон қарорига  
1.6-илова

**Навоий вилоятида чарм-пойабзал ва мўйначилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш  
ва экспорт қилишнинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган  
МАҚСАДЛИ ПАРАМЕТРЛАРИ**

Т/р	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	2021 йил (амалда)	Прогноз					2026 йилга ўсиш
				2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил	2026 йил	
I.	Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	млрд сўм	165,0	206,6	287,6	430,2	530,0	693,8	4,2 марта
1.	Пойабзал	млн жуфт	0,1	0,5	1,0	1,6	2,1	2,9	29 марта
	<i>шу жумладан :</i>								
	аёллар пойабзали	млн жуфт					0,1	0,1	
	болалар пойабзали	млн жуфт					0,1	0,1	
2.	Чарм кийим-кечак	минг дона							
3.	Чарм-атторлик маҳсулотлари	млрд сўм	5,4	6,4	8,1	11,3	15,5	22,2	4,1 марта
4.	Чарм маҳсулотлари	млн кв.дм	5,6	7,5	8,5	9,6	10,9	12,0	2,1 марта
II.	Чарм-пойабзал, мўйначилик ва жун маҳсулотлари экспорти	млн доллар	15,0	16,0	19,2	24,2	46,4	54,0	3,6 марта

*Изоҳ: Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан “Ўзчармсаноат” уюшмасининг таклифлари асосида мақсадли параметрларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2022 йил 26 февралдаги ПҚ–143-сон қарорига  
1.7-илова

**Наманган вилоятида чарм-пойабзал ва мўйначилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш  
ва экспорт қилишнинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган  
МАҚСАДЛИ ПАРАМЕТРЛАРИ**

Т/р	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	2021 йил (амалда)	Прогноз					2026 йилга ўсиш
				2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил	2026 йил	
I.	Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	млрд сўм	353,0	442,0	615,2	920,3	1133,9	1484,2	4,2 марта
1.	Пойабзал	млн жуфт	10,5	24,7	28,2	35,7	46,4	58,6	5,5 марта
	<i>шу жумладан :</i>								
	аёллар пойабзали	млн жуфт	2,2	2,6	3,8	5,3	10,1	12,5	5,7 марта
	болалар пойабзали	млн жуфт	0,6	1,0	1,4	2,3	5,6	9,5	15,8 марта
2.	Чарм кийим-кечак	минг дона	2,7	3,6	4,3	5,1	6,1	7,3	2,7 марта
3.	Чарм-атторлик маҳсулотлари	млрд сўм	16,5	19,5	24,8	34,7	47,3	67,8	4,1 марта
4.	Чарм маҳсулотлари	млн кв.дм	260,7	351,2	397,9	446,0	506,7	557,3	2,1 марта
II.	Чарм-пойабзал, мўйначилик ва жун маҳсулотлари экспорти	млн доллар	34,0	38,0	45,6	59,9	78,3	90,0	2,6 марта

*Изоҳ: Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан “Ўзчармсаноат” уюшмасининг таклифлари асосида мақсадли параметрларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2022 йил 26 февралдаги ПҚ–143-сон қарорига  
1.8-илова

**Самарқанд вилоятида чарм-пойабзал ва мўйначилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш  
ва экспорт қилишнинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган  
МАҚСАДЛИ ПАРАМЕТРЛАРИ**

Т/р	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	2021 йил (амалда)	Прогноз					2026 йилга ўсиш
				2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил	2026 йил	
I.	Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	млрд сўм	543,0	679,8	946,3	1415,7	1744,2	2283,1	4,2 марта
1.	Пойабзал	млн жуфт	39,1	60,4	71,2	88,4	96,5	115,4	2,9 марта
	<i>шу жумладан :</i>								
	аёллар пойабзали	млн жуфт	10,9	13,0	18,7	26,1	40,0	51,5	4,7 марта
	болалар пойабзали	млн жуфт	3,9	7,4	10,7	17,0	27,2	39,7	10,1 марта
2.	Чарм кийим-кечак	минг дона	2,6	3,4	4,1	4,9	5,9	7,0	2,7 марта
3.	Чарм-атторлик маҳсулотлари	млрд сўм	15,2	17,9	22,9	31,9	43,6	62,5	4,1 марта
4.	Чарм маҳсулотлари	млн кв.дм	65,6	88,4	100,1	112,2	127,5	140,2	2,1 марта
II.	Чарм-пойабзал, мўйначилик ва жун маҳсулотлари экспорти	млн доллар	53,0	55,0	66,0	85,7	125,1	150,0	2,8 марта

*Изоҳ: Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан “Ўзчармсаноат” уюшмасининг таклифлари асосида мақсадли параметрларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2022 йил 26 февралдаги ПҚ–143-сон қарорига  
1.9-илова

**Сурхондарё вилоятида чарм-пойабзал ва мўйначилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш  
ва экспорт қилишнинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган  
МАҚСАДЛИ ПАРАМЕТРЛАРИ**

Т/р	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	2021 йил (амалда)	Прогноз					2026 йилга ўсиш
				2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил	2026 йил	
I.	Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	млрд сўм	120,0	150,2	209,1	312,9	385,4	504,6	4,2 марта
1.	Пойабзал	млн жуфт	0,1	0,8	1,4	2,0	3,5	6,0	60 марта
	<i>шу жумладан :</i>								
	аёллар пойабзали	млн жуфт				0,2	0,3	0,4	
	болалар пойабзали	млн жуфт			0,1	0,2	0,3	0,4	
2.	Чарм кийим-кечак	минг дона							
3.	Чарм-атторлик маҳсулотлари	млрд сўм							
4.	Чарм маҳсулотлари	млн кв.дм			16,0	17,9	20,4	22,4	
II.	Чарм-пойабзал, мўйначилик ва жун маҳсулотлари экспорти	млн доллар	11,0	12,0	14,4	18,9	29,8	44,0	4 марта

*Изоҳ: Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан “Ўзчармсаноат” уюшмасининг таклифлари асосида мақсадли параметрларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2022 йил 26 февралдаги ПҚ–143-сон қарорига  
1.10-илова

**Сирдарё вилоятида чарм-пойабзал ва мўйначилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш  
ва экспорт қилишнинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган  
МАҚСАДЛИ ПАРАМЕТРЛАРИ**

Т/р	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	2021 йил (амалда)	Прогноз					2026 йилга ўсиш
				2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил	2026 йил	
I.	Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	млрд сўм	525,0	657,3	915,0	1368,8	1686,3	2207,4	4,2 марта
1.	Пойабзал	млн жуфт	2,0	5,5	6,4	7,2	12,5	16,4	8,2 марта
	<i>шу жумладан :</i>								
	аёллар пойабзали	млн жуфт	2,0	2,2	3,4	3,5	5,4	6,9	3,4 марта
	болалар пойабзали	млн жуфт				0,1	0,2	0,2	
2.	Чарм кийим-кечак	минг дона							
3.	Чарм-атторлик маҳсулотлари	млрд сўм			0,2	0,3	0,4	0,5	
4.	Чарм маҳсулотлари	млн кв.дм	390,5	526,0	596,0	668,1	129,9	834,8	2,1 марта
II.	Чарм-пойабзал, мўйначилик ва жун маҳсулотлари экспорти	млн доллар	50,0	52,0	62,4	88,6	126,9	143,0	2,8 марта

*Изоҳ: Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан “Ўзчармсаноат” уюшмасининг таклифлари асосида мақсадли параметрларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2022 йил 26 февралдаги ПҚ–143-сон қарорига  
1.11-илова

**Тошкент вилоятида чарм-пойабзал ва мўйначилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш  
ва экспорт қилишнинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган  
МАҚСАДЛИ ПАРАМЕТРЛАРИ**

Т/р	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	2021 йил (амалда)	Прогноз					2026 йилга ўсиш
				2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил	2026 йил	
I.	Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	млрд сўм	570,0	713,6	993,4	1486,1	1830,9	2396,6	4,2 марта
1.	Пойабзал	млн жуфт	11,8	25,5	33,2	39,6	50,5	61,0	5,1 марта
	<i>шу жумладан :</i>								
	аёллар пойабзали	млн жуфт	3,0	3,6	5,1	7,2	15,0	20,2	6,7 марта
	болалар пойабзали	млн жуфт	0,7	1,2	1,7	2,6	6,2	10,5	15 марта
2.	Чарм кийим-кечак	минг дона	8,2	10,8	13,0	15,4	18,5	22,2	2,7 марта
3.	Чарм-атторлик маҳсулотлари	млрд сўм	6,8	8,0	10,2	14,3	19,5	28,0	4,1 марта
4.	Чарм маҳсулотлари	млн кв.дм	265,5	357,6	405,2	454,2	516,0	567,6	2,1 марта
II.	Чарм-пойабзал, мўйначилик ва жун маҳсулотлари экспорти	млн доллар	55,0	59,0	70,8	93,0	132,0	142,0	2,6 марта

*Изоҳ: Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан “Ўзчармсаноат” уюшмасининг таклифлари асосида мақсадли параметрларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2022 йил 26 февралдаги ПҚ–143-сон қарорига  
1.12-илова

**Фарғона вилоятида чарм-пойабзал ва мўйначилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш  
ва экспорт қилишнинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган  
МАҚСАДЛИ ПАРАМЕТРЛАРИ**

Т/р	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	2021 йил (амалда)	Прогноз					2026 йилга ўсиш
				2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил	2026 йил	
I.	Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	млрд сўм	377,0	472,0	657,0	982,9	1211,0	1585,1	4,2 марта
1.	Пойабзал	млн жуфт	14,6	27,5	33,9	45,5	57,4	69,7	4,7 марта
	<i>шу жумладан :</i>								
	аёллар пойабзали	млн жуфт	3,0	3,6	5,1	9,2	12,3	16,5	5,5 марта
	болалар пойабзали	млн жуфт	1,4	2,3	3,3	6,3	10,5	15	10,7 марта
2.	Чарм кийим-кечак	минг дона	2,4	3,2	3,8	4,5	5,4	6,5	2,7 марта
3.	Чарм-атторлик маҳсулотлари	млрд сўм	12,3	14,5	18,5	25,8	35,3	50,6	4,1 марта
4.	Чарм маҳсулотлари	млн кв.дм	80,2	108,0	122,4	137,2	155,9	171,5	2,1 марта
II.	Чарм-пойабзал, мўйначилик ва жун маҳсулотлари экспорти	млн доллар	36,0	39,0	46,8	61,4	97,3	116,0	3,2 марта

*Изоҳ: Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан “Ўзчармсаноат” уюшмасининг таклифлари асосида мақсадли параметрларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2022 йил 26 февралдаги ПҚ–143-сон қарорига  
1.13-илова

**Хоразм вилоятида чарм-пойабзал ва мўйначилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш  
ва экспорт қилишнинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган  
МАҚСАДЛИ ПАРАМЕТРЛАРИ**

Т/р	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	2021 йил (амалда)	Прогноз					2026 йилга ўсиш
				2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил	2026 йил	
I.	Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	млрд сўм	125,0	156,5	217,8	325,9	401,5	525,6	4,2 марта
1.	Пойабзал	млн жуфт	0,1	0,4	0,8	1,1	1,5	2,0	19,6 марта
	<i>шу жумладан :</i>								
	аёллар пойабзали	млн жуфт			0,2	0,3	0,4	0,6	
	болалар пойабзали	млн жуфт			0,1	0,2	0,3	0,4	
2.	Чарм кийим-кечак	минг дона							
3.	Чарм-атторлик маҳсулотлари	млрд сўм			0,2	0,3	0,4	0,5	
4.	Чарм маҳсулотлари	млн кв.дм				15,0	17,0	18,7	
II.	Чарм-пойабзал, мўйначилик ва жун маҳсулотлари экспорти	млн доллар	10,6	12,0	14,4	20,0	27,5	35,0	3,3 марта

*Изоҳ: Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан “Ўзчармсаноат” уюшмасининг таклифлари асосида мақсадли параметрларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2022 йил 26 февралдаги ПҚ–143-сон қарорига  
1.14-илова

**Тошкент шаҳрида чарм-пойабзал ва мўйначилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш  
ва экспорт қилишнинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган  
МАҚСАДЛИ ПАРАМЕТРЛАРИ**

Т/р	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	2021 йил (амалда)	Прогноз					2026 йилга ўсиш
				2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил	2026 йил	
I.	Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	млрд сўм	595,0	748,1	1039,5	1560,4	1929,8	2538,4	4,2 марта
1.	Пойабзал	млн жуфт	15,2	24,9	28,6	32,5	38,4	42,0	2,7 марта
	<i>шу жумладан :</i>								
	аёллар пойабзали	млн жуфт	2,1	2,5	3,6	5,0	7,7	9,9	4,7 марта
	болалар пойабзали	млн жуфт	0,9	1,5	2,1	3,4	5,4	7,9	8,8 марта
2.	Чарм кийим-кечак	минг дона	6,6	8,7	10,5	12,4	14,9	17,9	2,7 марта
3.	Чарм-атторлик маҳсулотлари	млрд сўм	22,2	26,2	33,1	46,6	61,1	87,8	4,0 марта
4.	Чарм маҳсулотлари	млн кв.дм	230,2	310,7	337,7	365,7	415,0	456,5	2,0 марта
II.	Чарм-пойабзал, мўйначилик ва жун маҳсулотлари экспорти	млн доллар	58,0	61,0	73,2	95,1	102,7	104,0	1,8 марта

*Изоҳ: Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан “Ўзчармсаноат” уюшмасининг таклифлари асосида мақсадли параметрларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2022 йил 26 февралдаги ПҚ–143-сон қарорига  
2-илова

**Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларида хомашё ресурсларидан самарали фойдаланиш, сифат кўрсаткичларини ошириш, кичик саноат зоналарини ташкил қилиш, ташқи бозорлардаги тарғиботни кучайтириш ва кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
<b>I. Мавжуд хомашё ресурслари ва ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш</b>				
1.	Терини чуқур қайта ишлаш ва тайёр чарм ишлаб чиқариш фаолиятини қўллаб-қувватлаш.	Терини қайта ишлаш корхоналарининг модернизация даражасини ошириш; Терини қайта ишлаш корхоналари ҳамда ихтисослаштирилган сўйиш корхоналари ўртасида кооперация алоқаларини ривожлантириш.	2022 – 2024 йиллар	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, “Ўзчармсаноат” уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
<b>II. Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларида кичик саноат зоналарини ташкил қилиш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини ҳамда сифат кўрсаткичларини ошириш</b>				
2.	2022 – 2025 йилларда чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларида: - юқори қўшилган қийматли; - импорт ўрнини босувчи; - жундан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш.	Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларида умумий қиймати 1,0 млрд АҚШ долларига тенг 490 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш. Бунинг учун: мазкур қарор ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 февралдаги ПҚ-4982-сон қарорига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ лойиҳаларни молиялаштириш масалаларини ҳал қилиш;	2022 – 2025 йилларда тармоқ жадваллари асосида	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Тегишли тижорат банклари, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, “Ўзчармсаноат” уюшмаси

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Ижро учун масъуллар
	<p>Шу жумладан, - 2022 йилда 218 млн долларлик 118 та; - 2023 йилда 242 млн долларлик 121 та. - 2024 йилда 265 млн долларлик 124 та. - 2025 йилда 279 млн долларлик 127 та.</p>	<p>зарур инфратузилма билан таъминлаш (йўл, электр энергияси, газ, сув таъминоти, канализация тармоқлари ва ҳ.к.);</p> <p>инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида амалга оширилишида юзага келадиган бошқа муаммоларни тезкорлик билан бартараф қилиш бўйича тизимли мониторинг олиб бориш.</p>	<p>2022 – 2025 йилларда тармоқ жадваллари асосида</p> <p>доимий</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p> <p>Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, “Ўзчармсаноат” уюшмаси</p>
3.	<p>Ҳудудларда кластер усулида терини чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик саноат зоналарини ташкил қилиш.</p>	<p>1. Қорақалпоғистон Республикаси (Нукус тумани), Андижон (Шаҳрихон ва Олтинқўл туманлари), Бухоро (Бухоро тумани), Жиззах (Жиззах шаҳри), Қашқадарё (Қарши шаҳри), Наманган (Наманган шаҳри ва Уйчи тумани), Самарқанд (Ургут ва Самарқанд туманлари), Сурхондарё (Ангор тумани), Фарғона (Марғилон ва Қўқон шаҳарлари), Хоразм (Ҳазорасп тумани) ва Тошкент вилоятларида (Юқори Чирчиқ тумани ва Нурафшон шаҳри) кластер усулида терини чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик саноат зоналарини ташкил қилиш бўйича тегишли Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритиш;</p>	<p>2022 йил 10 март</p>	<p>Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, “Ўзчармсаноат” уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона, Хоразм ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
		<p>2. Кичик саноат зоналарининг ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ташкил этиш билан боғлиқ тадбирларга зарур маблағлар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш ҳамда ҳисоб-китоблар бўйича маълумотларни Молия вазирлигига киритиш;</p> <p>3. Тақдим этилган ҳисоб-китобларга асосан кичик саноат зоналари ташқи инфратузилмасини қуриш-таъмирлаш ишларини бажариш учун маблағларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияларига ажратиш;</p> <p>4. Маблағлар ажратилганидан сўнг кичик саноат зоналари ташқи инфратузилмасини қуриш-таъмирлаш ишларини бажариш.</p>	<p>2022 йил 15 апрель</p> <p>Лойиҳа-смета ҳужжатларида кўрсатилган муддатларда</p> <p>Лойиҳа-смета ҳужжатларида кўрсатилган муддатларда</p>	<p>Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, “Ўзчармсаноат” уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли вилоятлар ҳокимликлари, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ, “Сув таъминоти ва канализация объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” унитар корхонаси, “Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси</p> <p>Молия вазирлиги</p> <p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги “Ягона</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
				буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниялари
4.	<p>Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларидаги ишлаб чиқарувчи корхоналарни халқаро стандартлар бўйича сертификатлашни кенгайтириш орқали тайёр маҳсулотларнинг МДХ ва Европа мамлакатларига экспортни кўпайтириш.</p>	<p>1. Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳалари бўйича ривожланган давлатларда тан олинган халқаро стандартлар рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Рўйхатда кўрсатилган халқаро стандартлар бўйича сертификатлаш компаниялари билан алоқа ўрнатиб, сертификатлаш талабларини чуқур ўрганиб, амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг ҳар бир босқичини кўрсатган ҳолда қўлланма ишлаб чиқиш ҳамда ҳар бир ишлаб чиқарувчига етказиб, тушунтириш ишларини олиб бориш.</p> <p>3. Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларида маҳсулот ишлаб чиқарувчи ҳар бир корхона билан манзилли ишлаш орқали 2022 йилда камида 10 та, 2023-2024 йилларда эса 40 тадан корхонанинг ривожланган мамлакатларда тан олинган стандартлардан бири бўйича сертификатланишини таъминлаш ҳамда у бўйича харажатларни компенсация қилиш.</p> <p>4. Ривожланган давлатларда тан олинган стандарт бўйича сертификатланган ҳар бир ишлаб чиқарувчининг тижорат таклифларини шакллантириш, МДХ ва Европа мамлакатларидан хорижий харидорлар топиш орқали уларнинг ҳар бири томонидан йилига қўшимча равишда ўртача 1 млн долларлик экспорт амалга оширилишини таъминлаш.</p>	<p>2022 йил апрель</p> <p>2022 йил май</p> <p>2022 – 2024 йиллар</p> <p>2024 йил якунига қадар</p>	<p>Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, “Ўзчармсаноат” уюшмаси, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги</p> <p>Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, “Ўзчармсаноат” уюшмаси, Ташқи ишлар вазирлиги</p> <p>Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, “Ўзчармсаноат” уюшмаси, Экспортни рағбатлантириш агентлиги</p> <p>Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, “Ўзчармсаноат” уюшмаси</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Ижро учун масъуллар
5.	Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларидаги ишлаб чиқарувчи корхоналарда тайёр маҳсулот сифатини назорат қилиш ва сифат менежменти тизимини жорий этиш.	<p>1. Республикадаги чарм-пойабзал маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарда тайёр маҳсулот сифатини назорат қилиш ва сифат менежменти тизимини жорий этиш ҳолатини ўрганиш.</p> <p>2. Сифатни назорат қилиш ва сифат менежменти тизими бўйича халқаро тажрибани ўрганиш. Бунинг учун: хорижий компаниялар билан “Ўзчармсаноат” уюшмаси ҳамда унинг таркибидаги корхоналар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш; сифатни назорат қилиш ва сифат менежменти тизими бўйича халқаро тажрибани зарур ҳолларда жойига борган ҳолда ўрганиш.</p> <p>3. Халқаро тажрибадан келиб чиқиб, маҳаллий чарм-пойабзал ва мўйна маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари учун сифатни назорат қилиш ва сифат менежменти тизимига оид қўлланмани яратиш.</p> <p>4. Маҳаллий чарм-пойабзал ва мўйна маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига мазкур тизим бўйича тақдимот ўтказиб, тушунтириш ишларини олиб бориш.</p> <p>5. Сифатни назоратни қилиш ва сифат менежменти тизимини жорий этиш истагида бўлган ишлаб чиқарувчилар рўйхатини шакллантириб, улар билан манзилли иш ташкил этиш орқали амалий ёрдам кўрсатиб бориш.</p>	<p>2022 йил май</p> <p>2022 йил июнь</p> <p>2022 йил май</p> <p>Доимий равишда</p> <p>Доимий равишда</p>	<p>Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, “Ўзчармсаноат” уюшмаси, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги</p> <p>Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ўзчармсаноат” уюшмаси, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Ижро учун масъуллар
		<p>6. Сифатни назорат қилиш ва сифат менежменти тизимини камида 200 та маҳаллий корхона фаолиятига жорий қилиб, уларнинг ҳар бири томонидан йилига камида 100 минг АҚШ долларига тенг экспорт амалга оширилишини таъминлаш.</p>	<p>2024 йил якунига қадар</p>	
<b>III. Чарм-пойабзал ва мўйна маҳсулотларининг ташқи бозорлардаги тарғиботини кучайтириш</b>				
6.	<p>Хорижий давлатларда чарм-пойабзал, чарм-атторлик, жун ва мўйначилик маҳсулотларини сақлаш ва сотишга мўлжалланган йирик улгуржи савдо омборлари ва савдо уйлари ташкил қилиш.</p>	<p>1. Савдо омборлари ва савдо уйлари ташкил этиш учун қулай ва салоҳиятли чет давлатлар рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Мазкур соҳалардаги салоҳиятли тадбиркорлар билан биргаликда шакллантирилган рўйхат асосида хорижий давлатларда йирик савдо омборлари ва савдо уйлари очиш чораларини кўриш.</p>	<p>2022 йил март</p> <p>2022 йил якунигача</p>	<p>Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, “Ўзчармсанот” уюшмаси</p>
7.	<p>Чарм-пойабзал ва мўйна маҳсулотлари билан халқаро кўргазмаларда қатнашиш орқали маҳаллий маҳсулотларни хорижда кенг тарғиб қилиш.</p>	<p>Хорижий давлатларда бўлиб ўтиши режалаштирилган халқаро кўргазмаларда қатнашиш бўйича маҳсулот сифат кўрсаткичлари ва корхона ишлаб чиқариш ҳажмларидан келиб чиқиб қатнашчилар реестрини шакллантириш ва уларнинг кўргазмада иштирокини таъминлаш.</p> <p>Маҳаллий чарм-пойабзал ва мўйна маҳсулотларини таниқли халқаро интернет савдо платформаларига чиқаришни таъминлаш.</p>	<p>Доимий равишда ва белгиланган мuddатларда</p> <p>Доимий равишда</p>	<p>Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Экспортни рағбатлантириш агентлиги, “Ўзчармсанот” уюшмаси</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
8.	Ҳар йили икки мартаба (баҳор ва куз мавсумида) “UzCharmExpo” Халқаро чарм, пойабзал ва мўйна кўргазма ярмаркасини ташкил этиш.	Кўргазмани ташкил этиш муддатларини белгилаш, иштирокчи корхоналар рўйхатини шакллантириш. Кўргазмага хорижий йирик компаниялар, уюшмалар ва ташкилотларни кенг жалб қилиш.	Ҳар йили икки мартаба (баҳор ва куз мавсумида)	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, “Ўзчармсаноат” уюшмаси, “Uzexpomarkaz” АЖ
9.	Аутсорсинг ва франчайзинг асосида хорижий ҳамкорларни жалб қилишни кенгайтириш.	1. Чарм-пойабзал соҳасини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда, республиканинг мазкур соҳалардаги имкониятлари ва салоҳиятини кенг ёритиш ишларини олиб бориш. 2. Пойабзал ва чарм-атторлик маҳсулотларининг халқаро таниқли пойабзал брендлари бош офисларига ҳамкорлик қилиш юзасидан мурожаат хатлари билан биргаликда видеоролик, тақдимот материаллари, буклетлар ва бошқа тегишли материалларни дипломатик каналлар орқали юбориш. 3. Ҳамкорликка розилик билдирган халқаро таниқли пойабзал брендлари билан музокаралар ўтказиб, уларнинг ишлаб чиқариш қувватларини республикада ташкил этиш ёки буюртмаларини маҳаллий ишлаб чиқариш қувватларига жалб этиш масаласини муҳокама этиш. 4. Тармоққа хорижий инвестор ва ҳамкорларни кенг жалб қилиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиб бориш.	2022 йил май  2022 йил май-июнь  доимий  доимий	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, “Ўзчармсаноат” уюшмаси

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
<b>IV. Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳалари учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш</b>				
10.	Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳалари учун олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш.	1. Республиканинг соҳа ривожланган ҳудудлари марказларида ўқув амалиёт марказларини ташкил этиш. 2. Тегишли йўналишларни очиш мақсадга мувофиқ бўлган тақдирда, уларни янги ўқув йилидан бошлаб ўқув тизимида ташкил этиш.	2022 йил июль  ўрганиш натижасига асосан	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, “Ўзчармсанот” уюшмаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2022 йил 26 февралдаги ПҚ–143-сон қарорига  
3-илова

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 майдаги “Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3693-сон қарори 10-бандининг тўртинчи хатбошиси “пойабзал қолиплари,” сўзларидан кейин “пойабзал тагликлари, устки қисмлари, желатин,” сўзлари билан тўлдирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги “Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4453-сон қарорида:

а) 1-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“хом ашёни чуқур қайта ишлаш асосида бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда юқори қўшилган қийматга эга тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилишнинг 2020–2025 йилларга мўлжалланган мақсадли параметрлари 1-иловага мувофиқ”;

б) 3-банднинг тўртинчи хатбошисидаги “ва терини қайта ишловчи корхоналар” сўзлари “ҳамда терини қайта ишловчи ва чармдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги “Ўзчармсаноат” уюшмаси томонидан божхона тўловларидан озод қилинган ҳолда олиб кириладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган импорт асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, хомашёлар, материаллар ва фурнитуралар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ф–5350-сон фармойиши рус тилидаги матнининг 1-бандидаги “до 1 января 2023 года” сўзлари “до 1 января 2026 года” сўзлари билан алмаштирилсин.

